

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2023 йил 26 июнь куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида,
раислик қилувчи: Ш.Ахмедов,
хайъат судьялари: Б.Мамажонов ва Н.Раимкуловдан иборат таркибда,
судья катта ёрдамчиси М.Умурзақовнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ж.Хомидов, судланган Х.Н ва унинг ҳимоячиси К.Мамасолиев ҳамда судланган Н.Ш ва унинг ҳимоячиси С.Хафизов, жабрланувчилар Т.Акбаров, Х.Алимкуловларнинг иштирокида, Х.Н ва Ш.Нга оид жиноят ишини Қува туман прокурорининг апелляция протести асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг 2023 йил 17 январдаги ҳукмига кўра:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2009 йил 17 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 212-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;
- 2) жиноят ишлари бўйича Боғдод тумани судининг 2010 йил 19 февралдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига;
- 3) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2016 йил 5 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига;
- 4) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2018 йил 18 январдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2 йил 8 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2020 йил 26 майдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 6 ой 6 кун жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;



5) жиноят ишлари бўйича Кува туман судининг 2022 йил 2 июндаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖК 59-моддасининг 3-қисми тартибида 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, жазони ўтамаган, Риштон тумани, “Чек Жалаер замини” фермер хўжалигида ҳуқуқшунос,

ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, ички ишлар тизимидан нафақага чиққан, Қувасой шаҳар, Мусаффо кўчаси 130-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган

ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 71-моддаси тартибида жазодан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Х.Н 2020 йил баҳор ойларида фуқаро Д.Юлдашевнинг балиқчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил қилиш учун тендерда иштирок этишидан хабар топиб, унга Ёзёвон туманидан ер майдони олишда ёрдам беришини айтиб, Д.Юлдашевдан унинг ҳужжатларини олиб, 2020 йил август ойида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжат бўлган “Танлов ғолиби Юлдашев Дилмуроджон Шермухаматовичга Ёзёвон тумани Қоратепа ММТП ҳудудининг 3-участка 82-контуридан балиқчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш ва фаолият юритиш учун ер участкаси ажратиш ҳақида”ги 28.08.2020 йилдаги 521-сонли Ёзёвон тумани ҳокимининг қарорини қалбакилаштириб, уни фойдаланиш учун Д.Юлдашевга берган.

Ёзёвон тумани ҳокимининг 17.06.2021 йилдаги далолатномасида, “Танлов ғолиби Юлдашев Дилмуроджон Шермухаматовичга Ёзёвон тумани Қоратепа ММТП ҳудудининг 3-участка 82-контуридан балиқчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш ва фаолият юритиш учун ер участкаси ажратиш ҳақида”ги 28.08.2020 йилдаги 521-сонли қарор туман ҳокими томонидан қабул қилинган қарорларни рўйхатга олиш китобидан рўйхатдан ўтмагани, 28.08.2020 йилдаги 521-сонли қарор “Вояга етмаган Нурматова Гулмирахон Абдуқаххор қизига васийлик тайинлаш тўғрисида” экани кўрсатилган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида, Ёзёвон туман ҳокимининг 28.08.2020 йилдаги 521-сонли қалбаки қарори ашъвий далил тариқасида олинган.

Бундан ташқари, судланувчи Х.Н ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “Рахмонбобо” фермер хўжалиги раҳбари С.Хасановга, унга ижара шартномаси асосида фойдаланиш учун ажратилган 8,39 гектар ер майдони Ёзёвон тумани ҳокимининг 25.01.2019 йилдаги 231-сонли қарорига мувофиқ, туман захирасига қайтарилганидан хабар топиб, 2021 йил октябрь ойида



С.Хасанов билан учрашиб, унга Ёзёвон туман ҳокимининг 231-сонли қарорини бекор қилдириб, ерга эгалик ҳуқуқини қайта тиклаб беришини айтиб, 20.10.2021 йилда вилоят ҳокими Х.Бозаров номидан Ёзёвон тумани ҳокимининг “Рахмонбобо” фермер хўжалиги ер майдонини туман захира ерлари ҳисобига қайтариш ҳақидаги 231-сонли қарорини бекор қилиб, туман ҳокимининг 06.03.2009 йилдаги 96-сонли қарори билан ушбу фермер хўжалигига узоқ муддатли ижара шартномаси асосида берилган ерга эгалик ҳуқуқини қайта тиклаш ҳақидаги 119-11-0-Q/21-сонли қарорини тайёрлаб, ушбу қарорга сохта маълумотлар киритиб, қарордаги вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзосини қалбакилаштириб, мазкур қалбаки қарорни 10.12.2021 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиалининг Фарғона шаҳар почта алоқа боғланмасига қарашли 5-алоқа бўлими орқали Ёзёвон тумани ҳокимлигига юборган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида, 01.07.2021 йилдан бошлаб вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг барча қарорлари ва фармойишларининг ижроси электрон шаклда “Е-қарор” тизими орқали амалга оширилиши белгилангани, вилоят ҳокими томонидан 20.10.2021 йилда “Рахмонбобо” фермер хўжалиги ер майдонига эгалик ҳуқуқини тиклаш ҳақида 119-11-0-Q/21-сонли қарори қабул қилинмагани, мазкур қарор вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзоси “Е-қарор” тизимидаги 11.11.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги 2021 йил пахта ҳосилини йиғиб-териш олиш ишларини молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 666-сонли қарори ҳақида”ги 136-11-01-Q/21-сонли қарорга тегишли эканлиги аниқланган.

Ўтказилган судга оид техник экспертизанинг 14.04.2022 йилдаги 426-сонли хулосасида, 09.11.2021 йилдаги 119-11-0-Q/21-сонли қарор рангли принтер ёрдамида тайёрланганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, судланувчи Х.Н ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “Саломат илғори” фермер хўжалиги раҳбари С.Қирғизбоевага узоқ муддатли ижара шартномаси асосида фойдаланиш учун ажратиб берилган 44,21 гектар ер майдони, Риштон тумани ҳокимининг 10.02.2018 йилдаги 350-сонли қарорига мувофиқ туман захира ерлари ҳисобига қайтарилганидан хабар топиб, 2021 йил ноябрь ойида С.Қирғизбоева билан учрашиб, унга Риштон туман ҳокимининг “Саломат илғори” фермер хўжалиги ер майдонини туман захира ерлари ҳисобига қайтариш ҳақидаги 271/85-сонли қарорини бекор қилиб, эгалик ҳуқуқини қайта тиклаб беришини айтиб, 01.11.2021 йилда вилоят ҳокими Х.Бозаров номидан Риштон тумани ҳокимининг 271/85-сонли қарорини бекор қилиб, фермер хўжалигига узоқ муддатли ижара шартномаси асосида берилган ерга эгалик ҳуқуқини қайта тиклаш ҳақидаги 126-11-0-Q/21-сонли қарорини тайёрлаб, ушбу қарорга сохта маълумотлар киритиб, қарордаги вилоят ҳокими Х.Бозаровнинг электрон имзосини қалбакилаштирган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида, 01.07.2021 йилдан бошлаб вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг барча қарорлари ва фармойишларининг ижроси электрон шаклда “Е-қарор” тизими орқали амалга



оширилиши белгилангани, вилоят ҳокими томонидан 01.11.2021 йилда “Саломат илғори” фермер хўжалиги ер майдонига эгалик ҳуқуқини тиклаш ҳақида 126-11-0-Q/21-сонли қарори қабул қилинмагани, судланувчи Х.Н томонидан қалбакилаштирилган 126-11-0-Q/21-сонли қарорга қўйилган вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзоси “Е-қарор” тизимидаги 23.08.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 09 августдаги ПҚ-5216-сонли қарори ижроси тўғрисида”ги 59-11-01-Q/21-сонли қарорга тегишли эканлиги аниқланган.

Шунингдек, ўтказилган судга оид техник экспертизанинг 14.04.2022 йилдаги 426-сонли хулосасида, 09.11.2021 йилдаги 126-11-0-Q/21-сонли қарор рангли принтер ёрдамида тайёрланганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Х.Х.Н ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, “Фар Субҳидам” фермер хўжалиги раҳбари И.Қўзибоевга Ёзёвон туман ҳокимининг 22.01.2013 йилдаги 32-сонли қарори билан узоқ муддатли ижара шартномаси асосида фойдаланиш учун ажратиб берилган 42.60 гектар ер майдони, Ёзёвон тумани ҳокимининг 25.01.2019 йилдаги 290-сонли қарори билан туман захирасига қайтарилганидан хабар топиб, 2021 йил ноябрь ойида И.Қўзибоев билан учрашиб, унга Ёзёвон туман ҳокимининг 290-сонли қарорини бекор қилдириб, эгалик ҳуқуқини қайта тиклаб беришини айтиб, 09.11.2021 йилда вилоят ҳокими Х.Бозаров номидан Ёзёвон тумани ҳокимининг юқоридаги қарорини бекор қилиб, фермер хўжалигига узоқ муддатли ижара шартномаси асосида берилган ерга эгалик ҳуқуқини қайта тиклаш ҳақидаги 134-11-0-Q/21-сонли қарорини тайёрлаб, ушбу қарорга сохта маълумотлар киритиб, қарордаги вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзосини қалбакилаштириб, ушбу қалбаки қарорни 10.12.2021 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиалининг Фарғона шаҳар почта алоқа боғланмасига қарашли 5-алоқа бўлими орқали Ёзёвон тумани ҳокимлигига юбориб, ушбу қарорнинг қалбаки эканлигини билгани ҳолда фойдаланган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида, 01.07.2021 йилдан бошлаб вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг барча қарорлари ва фармойишларининг ижроси электрон шаклда “Е-қарор” тизими орқали амалга оширилиши белгиланганлиги, вилоят ҳокими томонидан 09.11.2021 йилда “Фар Субҳидам” фермер хўжалиги ер майдонига эгалик ҳуқуқини тиклаш ҳақида 134-11-0-Q/21-сонли қарори қабул қилинмагани аниқланган.

Шунингдек, судланувчи Х.Н томонидан қалбакилаштирилган 134-11-0-Q/21-сонли қарорга қўйилган вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзоси “Е-қарор” тизимидаги 23.08.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 09 августдаги ПҚ-5216-сонли қарори ижроси тўғрисида”ги 59-11-01-Q/21-сонли қарорга тегишли эканлиги кўрсатилган.

Судга оид техник экспертизанинг 14.04.2022 йилдаги 426-сонли хулосасида, 09.11.2021 йилдаги 134-11-0-Q/21-сонли қарор рангли принтер ёрдамида тайёрланганлиги кўрсатилган.



Бундан ташқари, судланувчи Х.Н ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран “Одилжонов Зафарбек файзли келажаги” фермер хўжалиги раҳбари О.Аминжоновга Қўштепа туман ҳокимининг 19.04.2012 йилдаги 237-сонли қарори билан узоқ муддатли ижара шартномаси асосида фойдаланиш учун ажратиб берилган 56.2 гектар ер майдони, туман ҳокимининг 09.01.2019 йилдаги 14-сонли қарорига мувофиқ туман захирасига қайтариш ҳақида 115-сонли қарори қабул қилинганидан хабар топиб, 2021 йил ноябрь ойида О.Аминжонов билан учрашиб, унга Ёзёвон туман ҳокимининг “Одилжонов Зафарбек файзли келажаги” фермер хўжалиги ер майдонини туман захира ерлари ҳисобига қайтариш ҳақидаги 115-сонли қарорини бекор қилдириб, эгалик ҳуқуқини қайта тиклаб беришини айтиб, 09.11.2021 йилда вилоят ҳокими Х.Бозаров номидан Қўштепа тумани ҳокимининг “Одилжонов Зафарбек файзли келажаги” фермер хўжалиги ер майдонини туман захира ерлари ҳисобига қайтариш ҳақидаги 115-сонли қарорини бекор қилиб, туман ҳокимининг 19.04.2012 йилдаги 237-сонли қарори билан ушбу фермер хўжалигига узоқ муддатли ижара шартномаси асосида берилган ерга эгалик ҳуқуқини қайта тиклаш ҳақидаги 132-11-0-Q/21-сонли қарорини тайёрлаб, ушбу қарорга сохта маълумотлар киритиб, қарордаги вилоят ҳокими Х.Бозаровнинг электрон имзосини қалбакилаштирган ва мазкур қалбаки қарорни 10.12.2021 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиалининг Фарғона шаҳар почта алоқа боғланмасига қарашли 5-алоқа бўлими орқали Қўштепа тумани ҳокимлигига юбориб, ушбу қарорнинг қалбаки эканлигини билгани ҳолда фойдаланган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида, 01.07.2021 йилдан бошлаб вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг барча қарорлари ва фармойишларининг ижроси электрон шаклда “Е-қарор” тизими орқали амалга оширилиши белгиланганлиги, вилоят ҳокими томонидан 09.11.2021 йилда “Одилжонов Зафарбек файзли келажаги” фермер хўжалиги ер майдонига эгалик ҳуқуқини тиклаш ҳақида 132-11-0-Q/21-сонли қарори қабул қилинмаганлиги аниқланган.

Шунингдек, судланувчи Х.Н томонидан қалбакилаштирилган 132-11-0-Q/21-сонли қарорга қўйилган вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзоси “Е-қарор” тизимидаги 23.08.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 09 августдаги ПҚ-5216-сонли қарори ижроси тўғрисида”ги 59-11-01-Q/21-сонли қарорга тегишли эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, ўтказилган судга оид техник экспертизанинг 14.04.2022 йилдаги 426-сонли хулосасида, 09.11.2021 йилдаги 132-11-0-Q/21-сонли қарор рангли принтер ёрдамида тайёрланганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, судланувчи Х.Н ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “Голден валлей-5” фермер хўжалиги раҳбари Р.Мусаевга Риштон туман ҳокимининг 08.07.2020 йилдаги 843-сонли қарори билан узоқ муддатли ижара шартномаси асосида фойдаланиш учун ажратиб берилган 47.25 гектар ер майдони, Риштон тумани ҳокимининг 28.12.2020 йилдаги 1724-сонли қарори қабул қилинганидан хабар топиб, 2021 йил ноябрь ойида



Р.Мусаев билан учрашиб, унга Риштон туман ҳокимининг “Голден валлей 5” фермер хўжалиги ер майдонини туман захира ерлари ҳисобига қайтариш ҳақидаги 1724-сонли қарорини бекор қилдириб, эгалик ҳуқуқини қайта тиклаб беришини айтиб, 11.11.2021 йилда вилоят ҳокими Х.Бозаров номидан Риштон тумани ҳокимининг “Голден валлей 5” фермер хўжалиги ер майдонини туман захира ерлари ҳисобига қайтариш ҳақидаги 1724-сонли қарорини бекор қилиб, туман ҳокимининг 08.07.2020 йилдаги 843-сонли қарори билан ушбу фермер хўжалигига узоқ муддатли ижара шартномаси асосида берилган ерга эгалик ҳуқуқини қайта тиклаш ҳақидаги 137-11-0-Q/21-сонли қарорини тайёрлаб, ушбу қарорга сохта маълумотлар киритиб, қарордаги вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзосини қалбакилаштирган ва мазкур қалбаки қарорни 10.12.2021 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиалининг Фарғона шаҳар почта алоқа боғланмасига қарашли 5-алоқа бўлими орқали Риштон тумани ҳокимлигига юбориб, ушбу қарорнинг қалбаки эканлигини билгани ҳолда фойдаланган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида, 01.07.2021 йилдан бошлаб вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг барча қарорлари ва фармойишларининг ижроси электрон шаклда “Е-қарор” тизими орқали амалга оширилиши белгиланганлиги, вилоят ҳокими томонидан 11.11.2021 йилда “Голден валлей 5” фермер хўжалиги ер майдонига эгалик ҳуқуқини тиклаш ҳақида 137-11-0-Q/21-сонли қарори қабул қилинмаганлиги аниқланган.

Шунингдек, судланувчи Х.Н томонидан қалбакилаштирилган 137-11-0-Q/21-сонли қарорга қўйилган вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзоси “Е-қарор” тизимидаги 23.08.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 09 августдаги ПҚ-5216-сонли қарори ижроси тўғрисида”ги 59-11-01-Q/21-сонли қарорга тегишли эканлиги аниқланган.

Судга оид техник экспертнинг 14.04.2022 йилдаги 426-сонли хулосасида, 09.11.2021 йилдаги 137-11-0-Q/21-сонли қарор рангли принтер ёрдамида тайёрланганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, судланувчи Х.Н ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “Момик буво” фермер хўжалиги раҳбари Т.Қодировага Қўштепа туман ҳокимининг 18.12.2015 йилдаги 1095-сонли қарори билан узоқ муддатли ижара шартномаси асосида фойдаланиш учун ажратиб берилган 60.38 гектар ер майдони, Қўштепа тумани ҳокимининг 18.12.2015 йилдаги 91-сонли қарорига мувофиқ, туман захирасига қайтарилганидан хабар топиб, 2021 йил ноябрь ойида Қўштепа туман ҳокимининг “Момик буво” фермер хўжалиги ер майдонини туман захира ерлари ҳисобига қайтариш ҳақидаги 91-сонли қарорини бекор қилиб, эгалик ҳуқуқини қайта тиклаш мақсадида, 11.11.2021 йилда вилоят ҳокими Х.Бозаров номидан Қўштепа тумани ҳокимининг 91-сонли қарорини бекор қилиб, туман ҳокимининг 18.12.2015 йилдаги 1095-сонли қарори билан ушбу фермер хўжалигига узоқ муддатли ижара шартномаси асосида берилган ерга эгалик ҳуқуқини қайта тиклаш ҳақидаги 138-11-0-Q/21-сонли қарорини тайёрлаб, ушбу қарорга сохта маълумотлар киритиб, қарордаги вилоят ҳокими Х.Бозаровнинг электрон имзосини қалбакилаштирган ва мазкур қалбаки қарорни 10.12.2021 йилда



“Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиалининг Фарғона шаҳар почта алоқа боғланмасига қарашли 5-алоқа бўлими орқали Қўштепа тумани ҳокимлигига юбориб, ушбу қарорнинг қалбаки эканлигини билгани ҳолда фойдаланган.

Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида, 01.07.2021 йилдан бошлаб вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларининг барча қарорлари ва фармойишларининг ижроси электрон шаклда “Е-қарор” тизими орқали амалга оширилиши белгилангани, вилоят ҳокимининг 11.11.2021 йилда “Момик буво” фермер хўжалиги ер майдонига эгалик ҳуқуқини тиклаш ҳақида 138-11-0-Q/21-сонли қарори қабул қилинмагани аниқланган.

Шунингдек, судланувчи Х.Н қалбакилаштирган 138-11-0-Q/21-сонли қарорга қўйилган вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзоси “Е-қарор” тизимидаги 23.08.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 09 августдаги ПҚ-5216-сонли қарори ижроси тўғрисида”ги 59-11-01-Q/21-сонли қарорга тегишли экани аниқланган.

Судга оид техник экспертизанинг 14.04.2022 йилдаги 426-сонли хулосасида, 09.11.2021 йилдаги 138-11-0-Q/21-сонли қарор рангли принтер ёрдамида тайёрланганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, 2022 йил май ойи бошларида судланувчи Х.Н ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, судланувчи Н.Ш билан жиноий тил бириктириб, гуруҳ бўлишиб, Н.Шнинг “Худудгазтаъминот” АЖнинг Фарғона вилояти филиали директори лавозимига тайинланиши учун Фарғона вилоят ҳокимининг “Худудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси Б.Эшмуротов номига Н.Шни “Худудгазтаъминот” АЖнинг Фарғона вилояти филиали директори лавозимига тавсия қилиниши ҳақида сохта маълумотлар киритилган расмий ҳужжат ҳисобланган 06.07.2022 йилдаги 37-11-О-Т/22-сонли тавсия хатини тайёрлашган ва ундаги вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзосини қалбакилаштиришган.

Шундан сўнг, судланувчи Н.Ш қалбакилаштирилган 06.07.2022 йилдаги 37-11-О-Т/22-сонли тавсия хатини “Худудгазтаъминот” АЖга юборган.

“Худудгазтаъминот” АЖ бошқаруви томонидан тавсияномани ўрганиш давомида, мазкур хат Фарғона вилоят ҳокимияти томонидан юборилмагани, белгиланган тартибда рўйхатга олинмагани ва вилоят ҳокими Х.Х.Бозаров номидан бажарилган электрон имзо қалбаки эканлиги аниқланган.

Шунингдек, судланувчи Х.Х.Н томонидан қалбакилаштирилган 06.07.2022 йилдаги 37-11-О-Т/22-сонли тавсия хатига қўйилган вилоят ҳокими Х.Бозаровнинг электрон имзоси “QR” кодларни сканерлаш дастури орқали текширилганда, 06.06.2022 йилда расмийлаштирилган бошқа тавсияномага тегишли экани аниқланган.

Бундан ташқари, судланувчи Х.Н ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, Т.Акбаровнинг олий таълим муассасасини тамомлаган бўлса-да, ишга кира олмай юрганидан хабар топиб, 2022 йил июнь ойи бошларида уни Фарғона вилояти ҳокимлиги ветеринария ва қишлоқ хўжалиги бўлимига ишга киритиб қўйишини айтиб, уни Фарғона вилояти ҳокимлиги ветеринария ва қишлоқ хўжалиги бўлимига мутахассис сифатида ишга қабул қилинганлиги тўғрисида вилоят ҳокими Х.Бозаров номидан 08.06.2022



йилдаги 212-11-0-F/22-сонли сохта фармойишни тайёрлаб, ушбу ҳужжатдаги вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг электрон имзосини қалбакилаштирган.

Фарғона вилояти ҳокимлигининг 19.09.2022 йилдаги 05-26/7297-сонли маълумотномасида, Фарғона вилояти ҳокимлиги тузилмасида қишлоқ хўжалиги ва ветеринария бўлими мавжуд эмаслиги, вилоят ҳокимининг 08.06.2022 йилдаги 212-11-0-F/22-сонли фармойиши Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Тошлоқ тумани ҳокимларига ижро интизомига риоя этилишида камчиликларга йўл қўйганликлари учун “Қаттиқ огоҳлантириш” берилганлиги ҳақида эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, ўтказилган судга оид хатшунослик экспертизасининг 14.09.2022 йилдаги 940-сонли хулосасида, Т.Акбаровга тегишли меҳнат дафтарчасининг 6-7-варақлардаги ёзувлар судланувчи Х.Н томонидан ёзилгани кўрсатилган.

Прокурор протестида, суд ҳукмини бекор қилиб, Х.Нга ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан, Н.Шга ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан жазо тайинлаш сўралган.

Судланган Х.Н, Н.Шлар ўзларининг эътирозномалари, протестга қўшилмасликларини, уни рад қилишни сўрашган.

Жабрланувчилар Т.Акбаров, Х.Алимқуловлар ўзларининг эътирозномаларида протестга нисбатан эътирозлари йўқлигини билдиришган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Н.Раимқуловнинг маърузасини, бўлим прокурори Ж.Хомидовнинг протестни қаноатлантириш, судланган Х.Н ва унинг ҳимоячиси К.Мамасолиев, судланувчи Н.Ш ва унинг ҳимоячиси С.Хафизовларнинг протестни рад этиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини бекор қилиб, прокурор протестини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463, 497²⁶, 497³⁰ ва 497³¹- моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Х.Н ва Ш.Нга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг 2023 йил 17 январдаги ҳукмининг Х.Нга оид қисми ўзгартирилиб, Н.Шга оид қисми бекор қилинсин.

Х.Ннинг айбловидан “Момик бува”, “Одилжонов Зафарбек Файзли келажоги”, “Саломат илғори”, “Годен валлей 5”, “Рахмонбобо” фермер хўжаликлари билан боғлиқ айб эпизодлари чиқарилсин.

Н.Ш ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбдор деб топилсин.

Н.Ш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.



Унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилиб, апелляция протести қисман қаноатлантирилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:
Ҳайъат судьялари:

/имзо/

/имзо/

/имзо/

Ш.Ахмедов
Б.Мамажонов
Н.Раимкулов

Ажрим нусхаси аслига тўғри
вилоят судининг судьяси

Н.Раимкулов

